бәлким, оның базда қарама-қарсылықларға (конфликтлерге) толы екенлиги, шайырдың қыял қусының ушқырлығы, ол жасаған образлардың символико-метафоралық қәсийетлериниң байлығы, тәбиятты жан-тәни менен сезиў ҳәм оның барлық тынысын жанлы қабыл етиў ҳәм терең гуманизм менен түсиниў тийкарғы орынды ийелейди. Әлбетте, бул бағдарда лирикалық қаҳарман тек ғана шайырдың жеке образы деп түсинилместен, ал ол улыўмаластырылған, бирақ индивидуалластырылған, жеке ой-сезимлер толқынларына бөленген типик қаҳарман болып есапланады. Бул типикликти жаратыўда, әлбетте, шайыр турмыс ўақыяларын сюжетлик-композициялық бағытта дизип отырмастан, ал оны шекленген ҳалда (Г.Н.Поспелов) таңлап алып, сол сюжеттиң өзин толқынлатқан моментлери арқалы образ типиклилигин, оның социал-жәмийетлик әҳмийетин жаратып отырады. Соның ушын да шайырдың руўхый дүньясы менен оның сезимталлығының кеңлиги ҳәм тереңлиги, дүньятанымының өткирлиги бунда шешиўши әҳмийетке ийе болады. Егер де шайырдың руўхый дүньясы менен тутас дүньятаныўшылық (позновательная), сезимталлық психологиясы тар болса, онда ол жасаған образлар да өтимсиз, жалған публицистизм, яки өткинши сиясат, яки ўақытша қосықлар қатарында ғана қалып қойыўы сөзсиз. Улыўма, шайырдың «мени»ниң байлығы лирикалық қаҳарман образының өткирлигин, оның өтимлилигин келтирип шығарады, оның ишки дүньясының байлығы лирикалық қаҳарманлар образының да социал-жәмийетлик белсендилиги менен оның гуманизмин, патриотизмин, келешекке болған идеалының исенимли ҳәм тәбийийлығын пайда етип отырады, оларды сәўлелендириўдеги көп түрлилик, поэтикалық бояўлардың рәң-бәреңлигин туўдырады.

**Әдебиятлар**


1. Ахметов С. Ҳинжи-маржан тереңде болар. «Әмиўдәрья», 1983, №4, 91-б.
2. Камалов Қ. Поэзияға терең пикир ҳәм жаңа ойлар керек. «Әмиўдәрья», 1986, №6, 94-б.
3. Худайбергенов К. Дәўир ҳәм парыз. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1987, 33-34, 48-49-б.
4. Худайбергенов К. Лирика ҳәм өмир. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1971, 11-б.
5. Оразымбетов Қ. Ҳәзирги дәўирдеги қарақалпақ лирикасында көркемлик излениўшилик. -Нөкис: «Билим», 1992, 21-б.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада қорақалпоқ адабиётшунослигида лирик қаҳрамон образи тадқиқи йўналишлари таҳлил қилинган. С.Ахметов, Қ.Камалов, Т.Мамбетниязов, К.Худайбергенов, Қ.Оразымбетов каби олимларнинг илмий назарий қарашларига шарҳлар берилган. Лирика, лирик қаҳрамон ва муаллиф образининг хусусиятлари очиб берилади. Лирик қаҳрамон образи яратилишида шоир маънавий дунёсининг тутган ўрни ва аҳамияти ўрганилади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье обсуждается направление исследования лирического образа в каракалпакском литературоведении. Были проанализированы научные теоретические мнения С.Ахмедова, К.Камалова, Т.Мамбетниязова, К.Худайбергенова, К.Оразымбетова. Были раскрыты своеобразие лирики, образа автора и лирических героев. В создании поэтом лирического образа были изучены место и значение духовного мира героя.

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of lyrical image in Karakalpak literature. There have been analysed the theoretical views of the scholars S.Akhmedov, K.Kamalov, T.Mambetniyazov, K.Xudaybergenov and K.Orazimbetov. The author studies the peculiarities of lyricism, the author's image and lyrical heroes. The spiritual world of the hero plays a great role in the creation of lyrical character


# ГАПНИНГ СИНТАКТИК ТАҲЛИЛИГА ЁНДАШУВЛАР


**Р.Хабипова** - *ассистент ўқитувчи*

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети*



**Таянч сўзлар:** ядро предикатив, субординатив, координатив, аппозитив, интродуктив, прагматик, когнитив, локутив субъект.
**Ключевые слова:** ядро предикатива, субординатив, координатив, аппозитив, интродуктив, прагматик, когнитив, локутив субъект.
**Key words:** nuclear of the predicative, subordinative, coordinative, appositive, introductive, pragmatic, cognitive, locative subject.


Жаҳон тилшунослигида барча амалий ва назарий грамматикаларда гап қурилмасининг синтактик таҳлили борасида асосан синтактик бирликларни бош ва иккинчи даражали бўлакларга ажратиб тахлил қилиш кенг тарқалиб, барча таълим тизимининг ҳамма босқичларига жорий этилган, айниқса, собиқ иттифоқ даврида ўрта ва олий таълим муассасаларида кенг қўлланилган [ 1, 2].

Бу борада айрим инглизшунос олимларнинг таъкидини эътиборга олсак, улар фақат эгани фарқлаб, гапнинг бошқа бўлакларини кесим таркибига қўшиб юборади. Х.Вайтхолнинг таъкидлашича: The reporter gave the lady a present гапига the reporter-subject, gave the lady a present-predicate ва унинг таркибида the lady-inner complement, a present-outer complement деб гапни тахлил қилса [3] П.Робертс эса уни гап таркибида иштирок этган бирликларнинг морфологик ифодасига кўра қолиплаштиради [4]. Яна бир гуруҳ тилшунослар фақат бош бўлакларни эътироф этишиб, иккинчи даражали бўлакларни “modifiers” атамаси билан морфологик жихатдан қуйидагича таснифлайди: a) Attributive Adjective modifiers, which modify a noun or a pronoun; b) Objective modifiers, which modify a verb, an adjective or an adverb; c) Adverbial modifier, which modify a verb, an adjective or another adverb [5]. Р.В.Зандворт эса иккинчи даражали бўлакларни “Adverbial adjuncts” деб атайди [6]. Юқорида қайд қилинган фикрлардан маълумки, гапнинг бош бўлаклари тўлиқ эътироф этилган бўлишига қарамай иккинчи даражали бўлаклар масаласида тилшунослар ханузгача бир тугал фикрга келган эмас.

Бу борада рус тилшунослигида икки хил ёндашув кўзга ташланади, яъни Ф.И.Буслаев ва М.В.Бадхенлар логик–грамматик тамойилдан келиб чиқиб, маънога қараб сўроқ қўйиш хамда синтактик бирликларнинг ўзаро боғланиш усулларини аниқлашдан келиб чиқса [7,8] бошқалари морфологик ифодаланиш усулига таяниб, сўз туркумларининг гап бўлакларига мутаносиблигидан келиб чиқишини таъкидлайдилар [9, 10].

Айрим тадқиқотчилар анъанавий синтактик атамаларни, яъни “тўлдирувчи”, “аниқловчи”, “хол” кабилар ўрнига бошқа атамалардан фойдаланишни тавсия қилади. Масалан, Т.С.Кириллова ўзининг монографик ишида уларни “Семантические распространители” деб қуйидагиларга ажратиб тахлил қилишни тавсия этади: “Семантические распространители делятся на семантический объект, семантический атрибут, семантический адресат, обстоятельственные, детерминарующие распространители- пространственный, временный, условный, причины, цели, обстановка (ситуации)” [11]. В.А.Белошапкова эса гап бўлакларини иккига “главные” ва “неглавные” ажратиб тахлил қилишни таъкидлаб, “главные”– гапнинг предикатив асосини ташкил этувчилар бўлса, “неглавные” – гапнинг предикатив қисмига кирмайдиган бирликларга ажратиб, улар ўз навбатида иккига бўлинади, яъни гапнинг структур схемасига кирувчилар ва гапнинг структур схемасига кирмайдиганларга ажратиб тахлил қилишни тавсия қилади [12].

Таъкидлаш жойзки, хар бир гап қурилмасининг ўзига хос бирликлари мавжуд бўлиб, улар фақат шу қурилма даражасидагина ўзаро ассоциатив ва синтагматик алоқада бўлади. Шу жихатдан қаралганда, анъанавий синтаксисдаги айрим баҳсталаб масалалар ойдинлашиши мумкин.

Мантиқ тилшунослари гап таркибидаги синтактик бирликларни, яъни эга ўрнига “субъект”, кесим ўрнига “предикат” каби лисоний атамалардан фойдаланиб, гап қурилмасини тахлил қилишни тавсия этади. Лекин бу борада эга билан субъект, кесим билан предикатнинг ўхшашлик томонлари хамда уларнинг бир–биридан фарқ қилувчи томонлари бир неча муаммоларга йўл очиб бериши эътибордан четда қолади. Масалан, рус мантиқий тилшуноси Ю.И.Буслаев “... тилда эгага бош келишикда келген от мос келади.... баъзан эга ва кесим бошқа сўз туркумлари билан ифодаланади, лекин хар холда эгани англатган сўз от маъносини, кесимни англатган сўз эса феъл маъносини олади” деган фикрни билдиради Буслаев. Бу фикрдан шундай хулосага келиш мумкин, яъни гап таркибида эга хар доим бош келишикда келиб, фақат субъектни ифодаласа, кесим феъл билан ифодаланиб, предикат бўлиб келса, ва уларда ўхшашлик мавжуд бўлса, бош бўлакларни хар хил атамалар билан аташга нима мажбур қилди деган саволнинг туғилиши табийдир. Бундан ташқари, тилшуносликда “предикат” атамаси бир неча изохларига эга. Масалан, Г.А.Лобонова предикатни онтологик аспектда белги сифатида, мантиқий аспектда эса маълум бир вазифа сифатида намоён бўлишини таъкидлайди [13:6].

Гап тахлили хақида А.Нурмоновнинг таъкидлашича, систем тилшуносликда гапнинг структур элементлари гап бўлаклари

ёки синтактик позиция, пропозитив структураси элементлари объектив реаллик структурасига нисбатан изоморфлик, коммуникатив( актуал) структураси тема (маълум) ва тема (янги), модал структураси эса объектив ва субъектив муносабатлар нуқтаи назаридан ўрганилади [14:23]. Гапнинг лингвистик табиати хақида Н.Қ.Турниёзовнинг қуйидаги қимматли фикрларини қайд қилиш жоиз “...дастлабки пайтларда гап хақида билдирилган барча фикрлар соф мантиқий қоидаларга асосланган эди. Бунинг таъсирини бугунги кунда гап структурасининг субъект ва предикат муносабатида шаклланиш хусусида берилаётган мулохазаларда кўрамиз. Субъект ва предикат тушунчаларининг мантиқий категориялар эканлиги изох талаб қилмайди, албатта. Хозирги пайтда биз фойдаланаётган эга ва кесим тушунчалари хам ана шу субъект ва предикатнинг калькалаштирилган кўринишидир. Гапнинг иккинчи даражали бўлакларини ташкил этувчи тўлдирувчи, аниқловчи, хол каби тушунчалар хам соф грамматик категорияларни тақозо этмайди. Улар семантик нуқтаи назардан ахамият касб этади. Ана шулардан келиб чиқиб, айни пайтда амалда бўлган гапнинг синтактик стируктураси тахлили билан боғлик бўлган барча масалаларни изохталаб деб биламиз. Таъкидлаш жоизки, бундай назарий қарашлар синтаксиснинг ривожланишига салмоқли хисса бўлиб қўшилганига қарамасдан, юқорида қайд қилинган мулохазалардан маълумки, гап қурилмаларида бош ва иккинчи даражали булакларни ажратиш тамойилларини ва уларни тадқиқ этиш лисоний методларини тўла аниқлаб бераолмадилар. Юқорида қайд қилинган фикрларнинг гувоҳлик беришича гапнинг синтактик тахлилига турлича ёндашувларни кўрсатиш мумкин. Улардан хулоса қилиб айтганда, хар бир гап бўлагининг морфологик ва синтактик хусусиятлари ўрганилганда, уларнинг қандай сўз туркуми билан ифодаланиши, лексик бирликларининг қандай шаклда бўлиши ва қандай синтактик алоқа асосида бошқа синтактик бирликлар билан боғланиши инобатга олинади. Аммо синтактик алоқалар хозирги замон тилшунослигида олимлар ўртасида бахсталаб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Аксарият кўпчилик олимлар синтактик алоқалар деганда мослашув, битишув ва бошқарувларни эътироф этишган. Уларни тил материали асосида қарасақ, мослашув асосан морфологик сатхда кўзга ташланса, битишув ва бошқарувлар лексик сатхда намоён бўлади. Айрим тилшунослар ушбу алоқалар ўрнига валентлик атамасини қўллаб, уни синтактик валентлик, семантик валентлик ва лексик валентликларга ажратиб қарашни афзал кўришади. Баъзи тилшунослар “алоқа” ва “муносабат” атамаларига ойдинлик киритишга харакат қилишади: “... гап таркибида сўзларнинг ўзаро таъсири синтактик муносабатни вужудга келтиради, боғланган қўшма гап, эргашган қўшма гап, боғловчисиз боғланган қўшма гаплар ўртасидаги ўзаро таъсир синтактик алоқани хосил қилса, юқорида санаб ўтилган қўшма гап турларининг хар бири таркибида тил унсурларининг ўзаро таъсири синтактик муносабатни руёбга чиқаради. Қўшма гап бир системани хосил қилса, унинг турлари эса ушбу системанинг структурасини ташкил қилади. Юқорида келтирилган мулохазаларга эътибор қаратилганда синтактик алоқалар деганда мослашув морфологик алоқа эканлиги, битишув ва бошқарув сўз бирикмалар доирасида лексик маъноларга таянган холда намоён бўлиши лексик алоқа эканлигидан далолат беради. Синтактик муносабат хам сўз бирикмалар доирасида намоён бўлади. Валентлик назариясига эътибор берадиган бўлсак, айниқса синтактик валентлик деганда Р.М.Асадовнинг фикрини маъқуллаш мумкин. “Синтактик валентлик деганда... синтактик сатхда гап қурилмасида синтактик бирликларнинг ўзаро синтактик алоқалари сонига қараб бир валентли, икки валентли, уч валентли элементларга ажратиш мумкин. Синтактик алоқалар хақида гапирилганда тилшуносликда “бошқарув”, “мослашув”, “битишув” кабилар назарда тўтилади. Аммо уларни синтактик алоқа деб тан олишга айрим бахсталаб масалалар мавжудлигини хисобга олиб проф.А.М.Мухин томонидан ишлаб чиқилган синтактик алоқалар (ядро предикатив, ядро бўлмаган предикатив, координатив, аппозитив, интродуктив) ишлаб чиқилган ва қатор илмий тадқиқотларда кенг қўлланилиб келинмоқда” [15].

Юқорида қайд қилинган фикрларнинг тахлилидан келиб чиқсак, гап қурилмасининг синтактик тахлилида кўпгина ўз ечимини кутаётган муаммоларнинг гувохи бўлдик. Гапнинг бош бўлаклари бўлмиш эга ва кесим,синтактик алоқалар борасида қисқача тўхталдик, холос. Иккинчи даражали бўлаклар муаммоси хақида гапирилганда янада кўпроқ бахсталаб масалалар атрофлича ўрганилмаганлиги аниқ.

Хозирги замон тилшунослигида матн лингвистикаси ривожлана бошлагач, синтаксисни иккига бўлиб ўрганилиши замон талабига айланди, яъни кичик синтаксис ва катта синтаксис. Синтактик назариялар бахсида Э.Я.Мороховскаянинг таъкидлашича “синтактик назариялар асосан ўчга бўлинади: 1)анъанавий назария; 2) структуравий назария; 3) трансформацион синтактик назария” [16].

Юқорида қайд этилган мулохазалардан шундай хулосага келиш мумкин, яъни гап қурилмасини струкурал синтаксис буйича тахлил қилинса, яъни компонентларга ажратиб тахлил қилинса, функционал синтаксисда эса гап таркибида иштироқ этган бирликларни синтаксемаларга ажратиб тахлил қилишни тақозо этади. Демак, структурал синтаксис ва функционал синтаксис бир – бири билан боғлик бўлиб, улар гап тахлили натижасига кўра бир – бирини тўлдиради. Қайд этиш жоизки, гап қурилмасини компонентларга ажратиб тахлил қилиш гапнинг ташқи (surface) қурилмасини ташқил этса, функционал синтаксис ёрдамида синтаксемаларга ажратиб тахлил қилишни гапнинг ички (deep) қурилмаси деб талқин қилиш мумкин. Синтаксис назариясида гапнинг ташқи ва ички қурилмалари тушунчаси тилшунослар ўртасида анча мунозарали масалалардан хисобланади.

**Адабиётлар**


1. Жигадло В.Н Иванова И.П, Иофик Л.Л. Современный английский язык. Теоретический курс грамматики. -Москва: Издательство литературы на иностранных языках.
2. Гуламов А., Аскарова М. Хозирги узбек адабий тили. Синтаксис. -Ташкент: Тош ДПИ нашри, 1988.
3. Whitehall H. Structural essentials of English. -New York: 1956.
4. Roberts P, English Syntax. –Chicago: 1964.
5. Curme G.O. Grammar of the English Language. -London-New York: 2006.
6. Zandvoort R. W. A Handbook of English Grammar. Groningen, 1998.
7. Буслаев Ф.И. Историческая грамматика русского языка. –Москва: 1968.
8. Бедхен М. В. Понятия пространственной локализации и его интерпретация в английском языке. Лингвистическая исследования. Анализ синтаксических единиц. –Москва: 1986.
9. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. -Ленинград: «Наука», 1960.
10. Пешковский А. М. Русский синтаксис в научном освещении. -Москва: «Наука», 2001.
11. Кириллова Т.С. Грамматическая и семантическая структура двусоставных предложений с осложнённым именным сказуемым. Автореферат дисс. канд. филол. Наук. -Москва: 1983.
12. Белошапкова В.А. Современный русский язык. Синтаксис. -Москва: 1968.
13. Лобонова Г. А. Реализация предикатов изменения в современным английском языке. –Ленинград: 1988.
14. Нурманов А. Тилни системали урганиш ва синтаксиснинг айрим мунозарали масалалари. Узбек тили ва адабиети. 1988.
15. Асадов Ф. М. Синтактик валентлик хакида. Систем-структур тилшунослик муаммолари. Проф. Н.К.Турниёзов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. СамДЧТИ нашри, 2010.
16. Morokhovskaya A.Y. Theoretical Grammar through practice. –Ленинград: «Просвещение», 1973.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу маколада жаҳон тилшунослигидаги гап тахлилига турлича ёндашувлар кўрсатилиб, гап тахлилини компонентларга ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил килишнинг бахсталаб масалалари кўрсатилган. Гап курилмаси компонентларга ажратиб тахлил қилинса, функционал синтаксисда эса гап таркибида иштирок этган бирликларни синтаксемаларга ажратиб тахлил килишни такозо этилади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье приводятся различные подходы к анализу предложений в мировой лингвистике, также рассматриваются такие дискуссионные вопросы, как анализ предложений по компонентам и синтаксемам. При анализе состава предложения на основе разделения на компоненты в функциональном синтаксисе требуется раздельный анализ единиц на синтаксемы, участвующие в составе предложения.

**SUMMARY**

The article deals with the different approaches to syntactic analysis of sentences in world linguistics, and the issues demanding the discussion, such as the analysis of sentences according to components and syntaxemes. The analysis of the structure of sentences distributing them in components in the functional syntax demands separate units of the analysis distributing them into syntaxemes participating in the sentence structure.